

ИЖОДИЙ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ!

ҶАЛБ СЎЗЛАРИ

Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчевнинг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқи Ленин район меҳнат-қашларини гойта руҳлантириб юборди. Улар Инглишларда, митингларда сўзга чиқиб, ўз қалб сўзларини айтмоқдалар. Ана шу тарихий нутқдан сўнг Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи, Тошкент темир йўл бошқармаси, кимё-фармацевтика заводи, 1-вагон депоси ҳамда канопо фабрикаси ишчи ва хизматчиларининг кўпчилиги кишилик митингларини бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан 1-вагон депоси конвейер цехининг дурадорлари Панюшко депо ишчилари номидан гапирар экан, бундай деди: «Ҳаётимиз кундан-кунга гуллаб-яшнамоқда. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан катта фарқ қиладиган муваффақиятларга эришмоқдамиз. Бу гуллаб-яшнашимиз ва эришадиган муваффақиятларимиз партияимиз доно сибсатининг мевасидир. Мамлакатимизда инсониятнинг порлоқ истиқболи бўлган коммунизм сари шахдам қадамлар билан юриш бошланди. Кечагина эълон қилинган, қалбларни меҳнат завқашки билан тўлиб-тошган меҳнатқашлар томонидан қизғин ўрганилган партия Программаси ва Устави проектиларини ана шу йўлни ёритувчи мангалидир».

Тошкент темир йўл бошқармасининг инженери Федорин, ўз коллективни номидан митингга қизғин нутқ сўзлади. — Бизнинг ҳар кунимиз тиҷилликлар халқларни қувонтирувчи тарихий воқеалар билан ишонч-амонликда, — деди у, — Мана, кечагина порлоқ ҳаётимизнинг

удувор Программаси проекти эълон қилинди. Герман Степанович Титовнинг буюк муваффақиятини бутун жаҳоннинг прогрессив кишилари чин юракдан олқишламоқда. Буларнинг ҳаммаси Советлар элида — бизнинг мамлакатимизда юз бермоқда. Ана шундай жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муваффақиятларга тиҷиллик туғайлигинга эришмоқдамиз. Тиҷиллик бўлган тақдирдагина бахтиёр ҳаёт кечириб, ўзини, ривожланиш бўлади. Шунинг учун ҳам совет халқи тиҷиллик тарафдоридир. Инглишлар бу сўзларини қарсақлар билан қувватлашди.

Стреланич Володими Инглишлар орасида халқонаниб гапирар экан, бир гуруҳ ўлимга маҳкум этилган империалистлар совет халқининг кейинги муваффақиятларидан эҳсулнинг йўқотиб қўймоқдалар, деди. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар дегандай, душманлар талвасага тушмоқдалар. Уруш фақат ўшалар учунгина керак. Бутун прогрессив инсоният аса бунга қарши ўз қалбларидан отилиб чиқадиган оташни ва ҳақиқий сўзларини айтмоқда. Ҳақиқат ана шу прогрессив инсоният томонидан. Империалистлар шунинг тушуниб олинди, тарих қилдириши ҳеч қачон тасари айланмади ва айланмайди ҳам. Инасини дунда мустаҳкам тиҷиллик!

Районнинг 25 корхонасида кўпчилиги тиҷиллик тантанали митинглар бўлиб ўтди. Бу митингларда сўзга чиққан 96 нотиқ Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сибсатини қувватлаб, дунда тиҷиллик бўлишини ифодаловчи нутқ сўзлади.

С. ШОКАРИМОВ.



Суратда: Учувчи-космонавт Г. С. Титов рафиқан Тавара Васильевна билан тепловозда сайр борюқдалар. И. Снегирев ва В. Жихаренко фотоси (ТАСС).

О Ф А Р И Н

6 август куни мамлакатимизда янги «Восток-2» кемаси Ер йўдошининг орбитасига чиқарилиди. Учувчи-космонавт ўртоқ Герман Степанович Титов Ер шари атрофида бир кеча-кундуздан орбитроқ парвоз қилиб, партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вази. фани муваффақиятлари адо отғач, белгиланган жойга омон-эсон қайтиб тушди.

Бу ғалабанинг тенги бўлмагани, дек, унинг аҳамиятини, у туғайли юзага келган қувонч ва фахрларини туйғуларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Янги «Восток-2» космик кемасини яратиб ва унинг Ер шари атрофида айлангач, белгиланган жойга тушириб, Ватанимиз шон-шухратини оширган олим.

ларимизга, инженер-техник ходимларга ва ишчиларга, космосни эғаллашда янги дарв отган халқимизнинг қаҳрамон фарзанди ўртоқ Титовга офарин!

Кишлоқ Советимизнинг меҳнатқашлари бутун совет халқи билан биргаликда бу тарихий ғалабадан чексиз хурсанд бўлмоқдалар. Учувчи-космонавт ўртоқ Титовни қизғин олқишламоқдалар.

Социалистик Ватанимиз, совет халқи янгидан-янги ғалабалар юзонаверди. Чунки уни улуг Коммунистик партия олға бошлаб бормоқда.

Н. ИБРОҲИМОВА, Оржоникидзе районидан Қўйбешев кишлоқ Советининг раиси.

БАХТИЁР АВЛОДНИ ЎЙЛАВ...

Жонажон партияимизнинг Програма проектини ўқиб, кишининг қайтадан туғилгани, яна бахтли боллик даврини сургиси келди. Халққатан ҳам энди элвад ажойиб замона яшамоқда. Уларни кўриб қувонсан киши. Узим қўйтувчилик қилаётган Тошкентдаги 15-мактаб болалари ҳақида айта қолай. Ахир ўқувчилар ёғи қаниқуға чиқиб биливоқ мактабда уларнинг қайтиб келишига тайёргарлик қўрилади.

КЕКСАЛАР ҚУВОНЧИ

Инсоният тарихида мисли кўрилмаган космик парвоз содир бўлган кунлари Тошкентдаги Шумилов номли маданият ва истироҳат боғи сайдиқлар билан гапирар бўлди. Шумилов шаҳарчасида яшовчи меҳнатқашлар ўз оилалари билан пардадаги репродукторлар тағнага тўлалиб олишди. Улар космонавт майор Герман Степанович Титовнинг мисли қўрилмаган жасорати тўғрисида радиодан дам ўтмай бериб турилган кўш хабарни эур эътибор билан интилади.

Партиянинг соя-салқини ва хушманлар бурчасида дарва қурган кекса пенсионерлар суҳбат айниқса қизил бўлди. Суҳбат қатнашчиларидан бири Алексей Петрович Петришчев темир йўл транспортда ярим аср ишлаган меҳнат ветераниларидан. Ҳозир у етмиш ёшга кирган бўлса ҳам шаарафли меҳнат постидан сийқини ўйламайди.

— Биз, — дейди ўртоқ Петришчев, — майор Титовнинг космосга қилган қаҳрамонлиги учундан гойта ҳаяжонландим. Космонавтининг муваффақияти бутун совет халқининг муваффақиятидир. Космик фазода ана шундай узоқ муддат чўчи юриш фақат бизнинг мамлакатимиздагина рўбёга чиқди, уни совет кишини амалга оширди.

Пенсионер Т. К. Хорьковский меҳнат ветеранининг фикрини қувватлаб гапирди: — Бу жуда ҳам ажойиб иш бўлди. Иккинчи совет кишини космик фазони сайр қилиб, омон-эсон

республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

А. ОМИЛОВ,

ерга қайтиб келди. Бизнинг ҳар кунимиз ана шундай ажойиб хуш хабар ва янгиликларга бойдир. Партия туғилган кексаларнинг қалб сўзлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан миннатдорлик, она-Ватан учур чексиз фахрларини ҳис-туйғулар билан тўлиб тошган эди. Шумилов шаҳарчасининг аҳолиси Герман Степанович Титовнинг муваффақияти равишда ерга қўганини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдилар. Уларнинг шодлиғи жасур космонавт Титов номига юборилган телеграммада ўз аксини топди:

«Тошкентнинг Шумилов шаҳарчаси меҳнатқашлари Сизга, қадрли Герман Степанович, уларнинг қизғин саломларини йўлайдилар. Бутун совет халқи қатори биз Сизнинг ажойиб қаҳрамонлигиниз билан фахрланамиз».

А. ОКТЯБРЕВ.

Газета минбаридан фойдаланиб, мен кекса коммунист, ҳаётининг аччиқ-чучуқларини анча татиб кўрган, қарийб ўн йил дахшатли урушларда қон кечган, очлик, юпунлигини кўрган кишини сифатида йилларга иккинчи оғиз насихат қилмоқчиман.

Ешлар, ҳозир сиз яшаётган ҳаёт кўра қимматга тушган, бунинг қадрига етишган. Сизларнинг бешташви, тўқ ва фаровон яшашингиз, кенг, ёруғ мактабларда, истаганингиздек техникун ва истирутларда, академияларда билим олишингиз, курутот ва дам олиш ўйларида, овод ва гузал маданият боғларида, маданият саройларида ўйнаб-қўлинишга, қордан чиқарилишига, улкан-улкан стадионларда жисмоний жиҳатдан чиниқилишига учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Совет кишиларининг фидокорона меҳнати натижасида, жонажон Коммунистик партия бошчилигида шаҳар ва кишлоқларимиз индиан-ингиз, ойдан-ойга гулгун яшайтирди. Ҳамма хонадонлар овод, юрт тинч ва хотиркам. Халқимизнинг ўйлагани — эл-юрт бойлигини янада қўлайтириш, коммунистик мўл-кўнчилиқни вужудга келтириш, янги жамият кишини тарбиялаб етиштиришдир. Бу қанчалар олижаноб, қанчалар қувончли ҳолдир. Ахир янги-янгиларда меҳнатқашлар бошқароқ мақсадни амалга ошириш, янги иқтисодий жиҳатдан жуда оғрада қолган, хонавайрон қилувчи уруш натижасида да гойта катта талофат кўрган мамлакатимиз халқ хўжалигини тиклаш социалистик санаот ва кишлоқ хўжалигини барпо этиш, маданият революцияни амалга ошириш, хотин-қизларни чинакам озоқликда олиб чиқин ва иқтисодий ҳаётга актив қатнаштириш тўғрисида йўл муқаррад бизлар учун йон, қоринини тўғдириш, эндилик бир сизра бўлган жиддий проблема эди.

Революциян ўғарини йиллари минглаб коммунистлар, юз минглаб партияси ишчилар ва деҳқонлар Совет ҳокимиятини ўрнатди ва революция ғалабаларини мустаҳкамлаш учун курашда жон олиб, йон берди. Совет давлатини чарқоқлиқдаёқ бўлиб ўлдиришмоқчи бўлган империалистик интервенцияларга қарши, Қолмак, Ленин, Юденич, Дувос сингари юрт генераллари шайқаларининг вахшиларча қилган хуружига қар-

БУЮК ПАРВОЗ

Хаёл кўни кучиб, дийдор меҳрида Кўш қаби бегона, талинарди дил, Беназар қувсола она ерида Мардиннинг қайтишни кутар эди эл, У бўлса Ер бўйлаб учарди ҳамон, Кўш қўлтигидан салом йўлларди, Соғинган элига атрофи осмон Янгидай унга Ой, янгидай Зўхра, Термузиб боқарди осмон жисонга, Атрофда прақлар миллилар нуқра, Она Ер жамоли тушар эсига, Қулдоқа қилинган тўрба гулаб, Шу чоқ эшитилар Ватан тавриқлаб, Қайтишни кутарди улар табриқлаб, Қурағини фарқидир улар парвози, Она Ер аалдан бегона эмас, Атрофда бор унинг сайбелари, Айланаб ёнидан ҳеч нари кетмас,

НАЗАРМАТ.

БУ ҲАЁТ БИЗГА ЖУДА ҚИММАТГА ТУШГАН

ши, АҚШ, Англия, Туркия сингари империалистик давлатлар томонидан кутуририлган босмачиларга қарши ва ниҳоят революциянинг мохиятини бунди кўрсатишга уринган руҳонийларга, феодалларга қарши курашларда минг-минглаб дўстларини қўриб бўлди.

Эрта Оснб бозьшевчилар ва партияси революцион кучлари босмачиларга ва кулоқларга, руҳонийлар ва бошқа шу сингари ет усурларга қарши курашда кўп қўриб бердилар. Мухим бир фронтда белгили кишим билан жанр қилмайдиган, халқ ичиде аралашиб юриб, пайт пойлаб туриб кўпуровчилик қиладиган, революция ва халққа қасоскорлик, хурақлик руҳи билан сурғорилган босмачилар жуда хафли душман эди. Халқимизнинг ажойиб фарзандлари Ҳамза Ҳанимзода Ниязин, Абдулла Навиевин, Олим Жўраевини ва бошқа шулар сингари эур талантларини ана шу қора кучлар махв эдилар. Халқ дўшманларига қарши шиддатли курашда Касийн фронтда улаб ўзбек бозьшевчилар, юзлаб ўзбек солдатлари мардонавор курашдилар. Ибраҳим Халилов, Вегмет Эрматов, Насриддин Хўжаев киблар Фаргона водисиде, Мордунов, Енбулатов, Ениқев, Қосимов, Пулатов, Тўрақулов ўртоқлар Бушор фронтда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб курашганликларини ўз кўзим билан кўрганман.

Очлик, яланғочлик, сувсизлик ва йўл азоби қийноғида бир неча йил олиб борган курашимиз революция фойдасига хал бўлди. Садовсизликка қарши, хотин-қизларни чинакам озоқликка чиқариш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш, Эрта Оснбда социалистик санаотни вужудга келтириш, кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун кураш ҳам кўп қўриблар берилиш, қўлдан-кўп қийиқчиликларини енгитиш талаб эди.

Ҳозирги заводи, нашлаш ва сермезаму турмушшимиз миллион-миллион ватадонларимизнинг покиза қони эвазига, миллион-миллион меҳнатқашларнинг тоқат қи-

БУ ҲАЁТ БИЗГА ЖУДА ҚИММАТГА ТУШГАН

либ бўлмайдиган даражада қийин танлиқларини азоб-укубатларни енгитиш йўлида сарфлаган беҳад зўр куч-гайрат, фидокорона меҳнати эвазига келган. Бу турмушни юксак қадрлаш керак, шундай турмушга эришишимизга бош сабабчи бўлган улуг Ленин партияси миннатдор бўлиш, унинг чизган чизгиндан қийиқчилигимиз, йўл-йўриғи ва айтан гапларини сийқилдан бажаришимиз керак.

Мана, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида мамлакатимизда социализм уюл-келди ва тўла ғалаба қозонди. Эндилкида партия коммунизмнинг моддий-техника баазисини яратиб режисини олға сурмоқда. Янгида газеталарда эълон қилинган тарихий хужжатларда, янги партиянинг янги Программаси ва Устави проектиларда янги 10—20 йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар батафсил кўрсатилган.

Янги Програма проекти ҳар бир совет кишининг, айниқса революция йилларидаги машаққатли қийиқчиликларини кўрган ва енгитиб ўтган биз сингари кекса коммунистларнинг қалбини она-Ватан, жонажон партия ва бахтиёр халқ учун чексиз фахрларини туйғулар билан тўлдирмоқда. Програма проекти келажакимизга кўз-гуси, бундан кейинги ишларимизни мезонидир. Унда кўп улкан, энг олижаноб ва масъулиятли вази-фаллар олға сурилган.

Биз, кекса бозьшевчилар дохи Ленин бошчилигида партиянинг биринчи Программасини амалга оширдик, Ленин бошчилигида ва унинг васиятлари асосида иккинчи Программада белгиланган вази-фаллар ҳам тўла-тўқис бажардик. Энди учинчи Программани бажариш янги кўнча тарих давомида инсониятнинг ҳамма авлодлари қилган энг эзу ҳаёл ва истақларни, қаҳрамонона курашларда кўриб бўлган коммунистларнинг, революционерларнинг охириг ниҳоятларини рўбёга чиқариш бизнинг авлодимизга, ёшларга насиб бўладиган бўлди. Програма проекти-даги: «Партия тантанали суратда

ТИҶИЛИК ИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

ЧИНОЗ. (Телефон орқали олинди). Пахта далаларининг азиматлари кўтарини руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда кейинги кунларда бўлиб ўтган ажойиб воқеалар уларни янги ғалабаларга руҳлантирмоқда.

«XXI партсъезд» колхозни далаларида ҳам иш қилгани.

— Колхозимиз аъзолари ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар,— дейди колхоз раиси ўртоқ Пулатов.— КПССнинг янги Программаси ва Устави проектиларини ва космик кеманинг иккинчи марта муваффақиятли учирлиги меҳнат гайратимизни ошириб юборди. Колхозчиларимиз тўла парваршишни пахта терилиш бошлангичида давом эттириб, уларнинг фидокорона меҳнати билан тиҷиллик ишнинг мустаҳкамлашга аҳд қилганлар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқидан мамлакатимиз халқларининг аса мақсиди ифодаланган. Турли найрағилар, ишлатиб, тиҷиллик ишга раҳна соломчи бўлаётган империалистларнинг кирдиқорлари фойқилиб ташланган. Колхозимиз аъзолари барча совет кишилар қатори ҳукуматимизнинг халқаро бахти-саодати йўлидаги олим сибсатини ҳар тарафлама қўлаб-қувватлайди.

Далалардаги меҳнат колхозчиларини сўзи билан иши бир эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу йил колхозда 1680 гектар ерда пахта етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаган колхозчилик фидокорона меҳнат қилиб, тўла парваршишни қизғин давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга пахта-янги тарихига тайёргарлик ишлари ҳам авж олдириб юборилмоқда.

КПСС Программасининг проектини совет кишилари ақиллик билан маъқуллаб, уни ўзларининг ҳаётли манфаатларини, орау-тилкалари ва умидларини ифода етувчи ҳужжат деб ҳисобламоқдалар. Областиимизда шаҳар, район, корхона ва муассасаларида чиқариладиган газеталарнинг сўнги сонлари халқимизнинг ана шу рўдий кўтаринкили-

Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаймиз

СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг Москва радиоси ва телевидение орқали сўзлаган нутқини Тошкентдаги «Подёмник» заводи ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари чин қалбдан маъқуллаб кутиб олдилар. Улар 9 августда бўлиб ўтган кўп кишилик митингга ўз фикрлари ва туйғуларини изҳор қилдилар.

— Мен Никита Сергеевичнинг нутқида Совет Иттифонининг коммунистик қурилиш йўлидан давид бораётганлигини ақилоқ кўрсатувчи рақамлар келтирилган жойини айниқса тўққизлаб тингладим,— деди таъминот бўлимининг бошлиғи В. Ф. Лизув.— Ютуқларимиз жуда катта, олдиримизда улғувор порлоқ истиқболлар оқилмоқда. Бу истиқболлар КПСС янги Программасининг проектида белгилаб берилган. Програма проектини ҳар қайсимиз эътибор билан ўрганиб, Ленин партиясиининг доно сибсатидан қўйиб қолмоқдамиз. Биз ўз мақсадимиз сари муваффақиятли боришимиз учун ҳамма имкониятларга эга эканлигимизни биллашим. Бизни фақат бир нарсаси, у ҳам бўлса империалистларнинг тобора сурбетлашиб, харбий васасани авж олдириб, халқларни янги қонли уруш гирдобига ташлагани уринаётганлиги қашвишлантирмоқда.

— Бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг кўпи қаби мен ҳам Улуг Ватан урушида қатнашганман ва урушнинг ўлим, ғам-гусса, вайронгарчилик келтиришини яхши билламан.— деди таъминот бўлимининг ходими И. И. Халаман, ўзидан олдинги но-иқини фикрини давом эттириб.— Биз, совет кишилари тиҷилликни астойдил истаймиз. Лекин биз Ғарб давлатларидаги агрессив дйралар жаҳон

урушига тайёргарлик кўриш учун ўз кучларини сафарбар қилдирганликларини бепарво қузатиб туролмаймиз. Урушнинг инсоният жамияти ҳаётидан чиқариб ташлаш керак.

Завод ишлари номидан комсомол аъзоси Л. Шейкина сўзга чиқди. У, ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз нутқиде совет халқининг, ва Коммунистик партиянинг жасур фарзанди Герман Степанович Титов туғиб «Восток-2» йўлдош, немасининг космосга учиниға юксак баҳо берганини айтди.

— Бу қаҳрамонликда, — деди таъкидлаб ўртоқ Шейкина, — социалистик тузумнинг улғувор ютуқлари, унинг капитализмга нисбатан гойа катта устунликлари айдол ифодасини топди. Давлатимиз қудратли, яхши ниҳати ҳамма кишилар бизнинг томонимизда. Империалистлар бизнинг планларимизни реал эканлигини билдилар ва уларнинг бақариллиғига ҳалақат бериш учун жон-жаҳдлари билан ҳаранат қилмоқдалар. Шу сабабли биз хушёр бўлишимиз керак. Меҳнат уюмдорлигини ошириш учун курашда куч ва гайратимизни ошириш империалистларнинг кирдиқорларига энг яхши жавобимиз бўлади.

Митингда инженер Ш. Н. Фельдман, завод партия комитетининг секретари В. А. Землянин, корхона директори И. Э. Эрғашевлар ҳам сўзлади. Улар машинасозларнинг фидокорона меҳнат қилиб, коммунистик жамият қурилишини тездаштиришга қатъий бел боғлаганликлари ҳақида гапирдилар.

Митингда индилик билан қабул қилинган резолюцияда бутун завод коллективининг фикри ифода этилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сибсати қизғин қўлаб-қўрватланади. (ЎзТАГ).

ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

тини, унинг сибсий ва меҳнат активлиги тобора ўсаётганлигини ифодалайди.

ЎЗБЕКИСТОН ШАХТЕРИ

Республикамиз қочқарқаси Оҳангаров шаҳар газетасининг 1 август сониде «Коммунизм қурилишининг реал Программаси» деган умумий сарлавха остида шаҳар ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчиларининг Програма проекти ҳақидаги фикрлари босилган.

Кўмир разрезининг экскаватор машинисти Х. Аликўлов ўзининг «Йўлчи юлдуз» сарлавхали хабариде «КПСС янги Программаси пренти коммунизм жамиятини куришда партия ва бутун совет халқининг муҳим вазифаларини белгилаб берди. Разрезимиз қончилари Програма проектини қувонч билан кутиб олар эканлар, тарихий XXII съездга муносиб меҳнат совғаларини тайёрлашнинг янада қизитиб юбордилар» деб ёзган.

Цемент заводининг айланма печ-машинисти Р. Хамроқулов цементчиларнинг КПСС Программаси проектини эур қизикти билан ўрганишга киришганликлари, бу ҳужжат бутун коллективни янги меҳнат зафарларига олтатирилганини ҳикоя қилади.

Тўққизчилар ОВОЗИ

Тошкент тўққизчилик комбинатида чиқадиган бу газетанинг иккинчи август сониде босилган материалларнинг деярли ҳаммаси дунё халқлари фикрини қўлаб олган муҳим воқеага бағишланган.

2-фабриканинг пилатловчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Марҳамат Пуладоевнинг «Маъқулла-

ЎЗБЕКИСТОН ШАХТЕРИ

«Лаймиз» деган мақолада кўпчилик тўққизчилар фикри ифодаланган.

«Ҳозирги вақтда ҳар биримиз коммунизм нуришини мадаллаштириш учун куч ва қобилиятимизга яраша нималар қила олишимиз ва қилишимиз нераллиги ҳақида ўйлашимиз» дейилади мақолада.

1-фабрика пилатловчи цехининг бошлиғи ўртоқ Ф. Шомансурова «Албатта бажарамиз» деган сарлавхали мақолада «Шоли партиянинг қачирини — Програма проектидаги тарихий вазифаларни бажариш учун барча кучни сафарбар этиш ҳақидаги қачирини — бақонидил қабул қиламиз ва албатта бажарамиз» деб бутун коллективнинг аҳди-паймонини ифода қилиб берди.

ҚИЗИК ТУЛДУЗ

Сирдарё район газетасининг 3 август сонини қўлга олар эканмиз, биринчи бетда катта харфлар билан терилган «Коммунизм қурувчилар Программаси» деган сўзлар кўзга ташланмади. Бу сонда газета КПСС Программаси проекти доигдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жавод Кўчмен бошлқк трактор-далачилик бригадаси аъзоларининг гайратига-гайрат қўшиб иборатини, улар механизация билан чекашка қилиш ишларини муддатидан олдин тугаллаганликларини ҳикоя қилади.

Газетада, шунингдек, Сталин номи колхозининг бригада бошлиғи Х. Ҳавратқулов «Муносиб жавоб берамиз», мактаб директори А. Одилов, «Халқ маорифи равақ топади», босмахона ишчилари И. Субхонов ва И. Ризаева ўртоқлар «Буюк гам-хўрлик» деган сарлавха остидаги хатларда партияимиз Программасининг проектини қизғин маъқуллаганликларини изҳор қилдилар.



Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. С. Титовнинг кўрсатган буюк жасорати пойтахтимиз меҳнатқашларини халқ ҳам тўққизлантириб турибди. Эрта тонда газета киоск калари олдида бўлсаингиз бунга ишонч қилиш мумкин. Шаҳар меҳнатқашлари иккинчи совет космонати тўғрисида газеталарда босилган материалларни эур қизикти билан ўқимоқдалар. Суратда: Тошкентдаги революция ва меҳнат шухрати клубининг аъзоларидан бир гуруписи газетадан космонавтининг мисли қўрилмаган қаҳрамонлиғи тўғрисидаги материалларни ўқиб, тингламоқдалар. А. Абалин фотоси.

Машина теримига пухта тайёрланайлик

ЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТЕРИМ БОШЛАНГУНЧА ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК!

АХДЛАРИ 40 ЦЕНТНЕР

Оқдўғон районидagi «Оқдўғон» совхозининг 4-бўлимидаги ўртоқ Босит Абдуқодиров бошлиқ бригада аъзоларининг ахдлари шундай. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Буни яхши тушуниш бригада пахтакорлари эрта баҳорда астойдил меҳнат қила бошладилар. Улар шу кунларда ҳосилга ҳосил қилиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Бригадада меҳнат қилаётган меҳнаткор Дмитрий Поповнинг иши айниқса, кишини қувонтиради. У ўза қатор ораларига ишлов беришни юқори агротехника қондалари асосида ўтказмоқда. Шунингдек, сувчи У. Усманов, М. Очилов ўртоқлар ҳам баракали хирмон кўтариш учун енг шимариб меҳнат қилишяпти. Улар сув тараган пайкалларда мўл-кўл ҳосил тўплашмоқда.

Совхозининг 5-бўлимидаги ўртоқ Абжалил Султонов бошлиқ бригадада ҳам ўза парварини тўхтовсиз давом эттириляпти.

М. ХУЖАЕВ.

Мўл ҳосил учун

Авиация майори Герман Степанович Титовнинг ажойиб жасорати мамлакатимизнинг ҳамма кишилари қатори янги-янгидек пахтакорларни ҳам беҳад қувонтириб юборди. Улар бу йилги мўл ҳосил учун олиб борилаётган курашни ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юбордилар.

«Бобёр» совхозининг 3-бўлимидаги Тилов Абдалиев бошлиқ бригада пахтакорларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. 224 гектар ернинг ҳар гектаридан кам деганда 36 центнердан «оқ олин» ҳосили етиштириш учун курашяётган бу бригадининг азамат пахтакорлари шу кеча-кундузда ҳар бир ўзага тупида иложи борица қўша қўша тўплашга ҳаракат қилаётганлар. Ҳозир бригаданин ҳар туп ўзасида ўрта ҳисобда 7—8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлган. Бригада аъзолари йўзларини алақадон сифатида қилиб-чеканкадан чиқардилар. Бригада пайкаллардаги ўзаларнинг ҳозирги аҳоли пахтакорлар бу йил ўз сўзларининг устидан албатта, чиқажакларидан далолат бериб турибди. Шунингдек райондаги 3-«Бобёр» совхозининг 6-аэроучасткидаги С. Хизматов, 2-«Бобёр» совхозининг 4-бўлимидаги У. Абдураҳмонов, 1-«Бобёр» совхозининг 2-бўлимидаги Т. Тўрақулов, Б. Туронов ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларнинг пахтакорлари ҳам шу кунларда ишчанлик кўрсатиб меҳнат қилаётганлар.

Р. САИДУЛОВ, Қ. АЛМАТОВ, А. МАЪМУРОВ, Ф. ТУРАҚУЛОВ.

БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРИШ УЧУН

Йил бошдан бери сарфланган фидокорона меҳнат эндиликда самарасини кўрсатмоқда. Области-мизнинг илғор пахтакорлари ўз далаларида мўл ҳосил нишонларини тўпладилар. Улар шу кунларда қўлга киритилган бу дастлабки муваффақиятларини мустақим алаҳида учун, сулга-сулга, ҳосилга-ҳосил қилиш учун, кузда баракали хирмон кўтариш учун ҳар қачонгидан эътибор-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Миришкор сувчиларимиз тоғини далада кутмоқдалар, меҳнаткорларимиз қош қорайтуғига қадар пўлат отлари билан ўза қатор ораларига ишлов беришяпти, унинг нормал ривож топиши учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Редакциямизга келаятган бир қатор хат-хабарларда ана шулар ҳақида хитоб қилинади.

220 гектар майдонини ҳар гектардан 45 центнердан «оқ олин» етиштириш мажбуриятини олган Оржоникидзе районидagi «Қизил Эвбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада пахтакорлари юксак ахдларига амалий иш билан бериб бериш учун эрта баҳордан курашга отланган эдилар. Бригада аъзолари бир ёқдан бош чиқариб, ўзани меҳр билан парварин қилаётганлар. Миришкор сувчилардан М. Иноатов, Р. Бердиев, Р. Айтенбетов сингари ўртоқлар ўзаларга юқори агротехника қондалари асосида сув тарамоқдалар. А. Розенберг, П. Хидиров, У. Эргашев, К. Жўрабеков каби меҳнаткорлар ўртоқлар ўза қатор ораларига сифатли ишлов беришяпти. Натيجада ўзалар кун оша ҳосилга-ҳосил қилиб, серавж бў-



СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАЁТГАНЛАР

Бу йил дарё ва каналларда сув камчиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи дамларида сувнинг қадрига етиб, ундан тежаб-тежаб фойдаланиш зарур.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда», «Северный маяк», Ленин номи, Охунбобоев номи колхозларнинг аъзолари ҳозирги шароитдан тўғри хулоса чиқариб, ўзани сугорини алоҳида эътибор бермоқдалар ва шу билан бирга қўшимча сув ресурсларини қидириб топишмоқдалар. Бир қатор сувни ҳам ироф қилмаслик тадбирларини кўрмоқдалар.

«XX партсъезд», М. Горький номи колхозлар кундаги бошида. Аммо кейинги кунларда Оҳангарон дарёсида сув камийиб кетганини қўшимча сув олишга кўрмоқдалар. Айниқса, кечаси сугорини Луруст ташкил этилган. Шунинг учун бу колхозларда берилган сувнинг деярли ҳаммасидан фойдаланилмоқда.

Лекин райондаги бир қатор хўжалиқларда сувдан фойдаланиш ишчи йўлга қўйилган деб бўлмайди. Сув камчиқ бўлган бу йилги ишрофта мавжуд сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш, унинг ироф бўлишига йўл қўйганлар ҳам йўқ эмас. Баъзи колхозларнинг раҳбарлари «сув кам, ўзанимиз чанқоқ» деб қўшимча сув олишга уринмоқдалар ва олаётганлар ҳам Афсуски, ана шундай колхозларнинг раҳбарлари сувнинг қадрига етмай, ўринсиз сарфлашига йўл қўймоқдалар.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

либ ўсмоқда. Колхознинг Олим Мўминов, Абдураҳмон Йўлдошев, Баҳром Юсуфонов ва Қосим Маҳмуджонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ўза парварини намунали ўштирилган. Шунингдек, райондаги «Маданият» колхоз пахтакорлари ҳосилга-ҳосил қилиш учун шу кеча-кундузидан ҳар бир минутидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу каби илғор бригадалар бошқа районларда ҳам йўқ эмас. Бўка районидagi Ильич номи колхозининг Азимбой Олимқулов, Жамбул номи колхозининг Дуйсанбой Тўлағанов, Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозининг Абдуҳалил Тўраев, Сирдарё районидagi «Победа» колхозининг И. Юнусов, Э. Файзиёв, Оқдўғон районидagi «Ленинбод» колхозининг Шойибек Сафаров, Янгир районидagi «Фарҳод» тажриба-намуна хўжалиқининг 2-бўлимидаги Холбиби Тўраева, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхозининг Ж. Тўраҳонов ўртоқлар бошлиқ қилаётган бригадалари шулар жумласидандир. Маъмур бригадалар далаларида бўлганича, ўза-ўза ҳосил нишонларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Бу бригадаларда чеканка қилиш районда биринчи қаторда бопланади.

Қишлоқ мухбирларимиздан А. Латипов, Ю. Маҳмамов, М. Нурматов, С. Эргашев, Э. Маъдиев, О. Эргашев, О. Шонқулов, Р. Нурматов, З. Едгоровна ўртоқлар ана шулар ҳақида ёзганлар.

Бўзда баракали «оқ олин» хир-

мон кўтарамиз, деган умид билан меҳнат қилаётган пахтакорларни Гулистон районидagi ҳам қўлаб учратиш мумкин. Шу районлик қишлоқ мухбирларимиздан А. Уматов, Т. Маматқулов ва Б. Тоғаев ўртоқларнинг хабар қилишича, «Красный восток» колхозининг Нишомиддин Исоқулов, Нажмиддин Эрақоев, Хонкул Санқулов, «Ленинизм» колхозининг Жўрақул Хўжақулов, «Социализм» совхозининг 4-бўлимидаги Э. Суяров ўртоқлар бошлиқ қилаётган бригада далаларидаги ҳар туп ўзада 7—8 тадан тўқ кўсак қўзга ташланади.

Қишлоқ Т. Имомов, Ф. Турсунқўжаев, А. Саърибобоев, Э. Қосимов ўртоқлар қўйидагиларни ёздилар: райондаги «Эвбекистон» ССР 30 йиллик колхоз пахтакорлари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштирган эдилар. Давлатта пландан ташқари бир неча тонна пахта кўп соғилди. Артель аъзолари бу муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир гайратта ўза гайрат қилиб ишламоқдалар. Ўза қатор ораларига маврути билан ишлов бериляпти, ўсимликнинг талабини ҳисобга олган ҳолда сув тараляпти. Бу ўз нобатида яхши натижалар бермоқда. Ўзалар барвақт ўза-ўза кўсаклар ўзини кўз-кўз қилади. Аскар Умаралиев, Сафар Тоғаев, А. Мўминов сингари меҳнаткорлар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар, ишчанлик кўпроқ эътибор бермоқдалар. Бу каби жонқуйр меҳнаткорлар «Қизил Октябрь», «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» колхозларида ҳам бор. Улар ҳам баракали хирмон кўтарамиз деб, астойдил бел боғлаб ишламоқдалар.

Район партия комитети, район ижроия комитети ўзани сугорини учун берилаётган ҳар бир литр сувдан тўғри, тежаб-тежаб фойдаланиш устидан қаттиқ назорат қилиши зарур.

Ш. КУЗАНБОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ДАЛАДА

Оҳангарон районидagi 1-«Оҳангарон» совхоз У. Бойсариев ўрнидан турар экан, — ана бу коммунизм кураётган совет кишиларининг муваффақиятидир. Бу тинч қурилиш, ижодий меҳнатнинг мевасидир, — деди. Сўнг сўз олган кекса коммунист Э. Аҳмедов бу воқеалардан рўхсатлиб ўза бригада аъзолари номидан охиридан мажбурият олганини айтди.

Совхознинг қайси бир бўлимида бўлган у ерда КПСС Программаси ва Устави проекларини қизғин муҳокама қилаётган эдилар. Шу пайт радиокорнайдан матонатли кесмонат Герман Степанович Титов ҳақидаги хабар ямшиқ дала бўйлаб тарала бошлади. Халла қарсақ чапиб юборди.

Бўлим партия ташкилотининг секретари Т. Йўлдошев ўрнидан турар экан, — ана бу коммунизм кураётган совет кишиларининг муваффақиятидир. Бу тинч қурилиш, ижодий меҳнатнинг мевасидир, — деди. Сўнг сўз олган кекса коммунист Э. Аҳмедов бу воқеалардан рўхсатлиб ўза бригада аъзолари номидан охиридан мажбурият олганини айтди.

С. ХАЙИТҚУЛОВ.

